

Гапириш ва эшитиш қобилиятига эга бўлмаган аёл-қизлар учун намоз ўқиш бўйича видеоқўлланма



11:00 / 31.07.2021 2372

Muallim Media – илмий-маърифий маркази Muslimate.uz сайти билан ҳамкорликда муҳтарама муслималар учун ҳанафий мазҳабига кўра намоз ўқишни ўргатувчи видеоқўлланма тайёрлади.

Видеоқўлланма орқали опа-сингилларимиз намозни ўқишни тўла ўрганиши ёки кўпинча намоз ўқишда учрайдиган баъзи хато-камчиликларни тuzатиб олиши мумкин.

Эътиборлиси, видеоқўлланма гапириш ва эшитиш қобилиятига эга бўлмаган кишиларга мўлжалланган бўлиб, намоз ўқиш қоидалари сурдо таржимон Зилола Маҳмудова томонидан сурдо тилига таржима қилинган.

Видеоқўлланма 6 қисмдан иборат бўлиб, бугун эътиборингизга 1- қисмни тақдим этамиз.

Маълумот учун, имконияти чекланган азизлар ушбу махсус очилган [muallimsurdo](#) канали Muallim media, muslimaat.uz ва Bintu Sodiq ижтимоий-маърифий каналларида эфирга узатилган шу каби видео маҳсулотлар сурдо таржимаси билан бериб борилади.

[Биринчи қисм : намоздаги энг муҳим қоидалар](#)

00:00 - Кириш

01:13 - Намознинг шартлари

05:35 - Намознинг фарзлари

08:51 - Намознинг вожиблари

12:12 - Намознинг суннат ва мустаҳаблари

16:16 - Намознинг макруҳлари

18:47 - Намозни бузувчи амаллар

20:57 - Беш маҳал намознинг вақтлари

22:27 - Намознинг ракъатлари

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати